



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институти профессори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17578283>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-noyabr 2025 yil
Ma'qullandi: 08- noyabr 2025 yil
Nashr qilindi: 11- noyabr 2025 yil

KEY WORDS

*ички ишлар органлари,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси хизматлари,
ҳуқуқбузарликларнинг олдини
олиш, фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари,
ҳамкорлик.*

ABSTRACT

*Мақолада ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси хизматларининг
ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги
хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада
самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда
тавсиялар билдирилган.*

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан ўзларига қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгилаб берилган хизмат вазифаларини бажаришларида, яъни, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш фаолиятини амалга оширишларида уларга энг яқин ҳамкор, бошқача айтганда, энг яқин кўмакчи, дунёда ноёб, мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари орасида ўзига хос хусусиятларга эга субъект - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги Фармонида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тизимга айлантириш, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш вазифалари қўйилди ҳамда айни вақтда мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

институтнинг нуфузини ошириш, белгиланган вазифаларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди.

Қайд этиш лозимки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни маълум бир кунда амалга оширсалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан йилнинг, ойнинг, ҳафтанинг ҳар бир кунда ҳамкорликни амалга оширадilar. Хусусан, мазкур ҳамкорлик объектив зарурат бўлиши билан бирга бошқарув субъектлари томонидан ташкил этиладиган ва тартибга солинадиган тизимли фаолият ҳисобланади². Шу билан бирга, ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, унинг ривожини ва сифати давлат ва жамиятнинг ривожланишига боғлиқдир³.

Таъкидлаш лозимки, ўтган йиллар давомида ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан алоқаларини ислоҳ қилиш ва кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар мамлакатимиз фуқароларининг ички ишлар органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бу эса, ўз навбатида, ички ишлар органларига куч-қудрат бағишлаб, уларнинг ишончли фаолият юритишини таъминламоқда⁴.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фуқаролар йиғинларларида яъни, маҳаллаларда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг қуйи таркибий тузилмаси бўлган таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилганлиги улар ўртасида узлуксиз ҳамкорлик амалга оширилишига ўзига хос замин яратди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ги Фармонига мувофиқ ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий

² *Забелов С.М.* Взаимодействие органов внутренних дел с трудовыми коллективами и общественностью в охране общественного порядка и профилактики правонарушений. – Минск, 1979. – С.7.

³ *Киричёк Е.В.* Организационно-правовой механизм обеспечения конституционных прав и свобод человека и гражданина в условиях взаимодействия полиции и институтов гражданского общества в Российской Федерации: Дис. ... д-ра. юрид. наук. - М.: Академия управления Министерства внутренних дел Российской Федерации, 2014. – С. 403.

⁴ *Каримов И.А.* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2007. – 25 окт.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

чора-тадбирлар тўғрисида»⁶ги Қарори асосида «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани» фаолияти йўлга қўйилди ва мазкур қарор асосида «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низом» тасдиқланди. Ушбу низомга асосан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашнинг ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Одатда, содир этилган ёки содир этилиши режалаштирилган ҳуқуқбузарликларнинг катта қисми тегишли ҳудудларда, яъни маҳаллаларда содир этилади ва мазкур жараёнлар ўз-ўзидан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни амалга оширишни тақозо этади. Хусусан, республикамизнинг барча ҳудудларида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва барвақт профилактикасини амалга ошириш давлат органлари ва жамоатчилик олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқбузарликлар ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар ўзгариш хусусиятига эгадир. Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга қарши курашнинг энг муҳим, самарали ва инсонпарвар йўналиши – бу ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда мустақилликнинг илк даврларидан то бугунга қадар маҳалла институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва уларни давлат органлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасидаги салмоқли чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида маҳалланинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг ишончли институтига айлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Авваллари давлатга тегишли ўттизга яқин ваколатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилди⁷.

Шунингдек, мамлакатимиз мустақилликка эришгач фуқаролик жамияти институтлари орасида ўзига хос ўринга эга бўлган маҳаллани ўрганиш, унинг илмий асосларини таҳлил қилиш ва фаолият йўналишларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, мутахассис олимларимиз томонидан ҳам мазкур институтнинг у ёки бу жиҳатларини таҳлил этиш ва такомиллаштириш борасида

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

⁷ Саидов А.Х. Ҳаракатлар стратегияси – мамлакатни ривожлантиришнинг тубдан янги босқичи // Ҳаракатлар стратегияси – барқарор тараққиёт сари. А.Саидов, А.Бурханов, Ғ.Мирзо – Т., «Baktria press», – 2018. – Б. 10.

салмоқли тадқиқот ишлари амалга оширилди деб айтишимиз мумкин⁸. Амалга оширилган салмоқли тадқиқот ишлари натижасида яратилган илмий янгилик ва хулосалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлмиш маҳалла институтининг жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада кучайтириш жараёнларига самарали татбиқ этилмоқда. Хусусан, мазкур амалга оширилган тадқиқот ишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг турли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид фикрлар билдирилган. Масалан, Г.Р. Маликова, бутун давлатчилик тарихида ўзини ўзи бошқариш ва давлат тузилмалари ўртасида узвий алоқа мавжуд бўлганини, давлатнинг барчатишларида, эволюциянинг турли босқичларида фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг хилма-

хил моделлари мавжуд бўлганини⁹, Г.С. Исмаилова, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар доим давлат тараққиёти билан изма-из борганлиги, давлат белгилаган кўрсатмаларга амал қилгани, бу эса ҳуқуқий нормалар асосида ёки директив буйруқлар шаклида амалга оширилганини¹⁰ қайд этадилар. М.З. Зиёдуллаев эса, ўз тадқиқотларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ички ишлар органлари билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратган¹¹.

Шунингдек, Г.С. Исмаилова давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатларини атрофлича таҳлил қилиб, мазкур тузилмаларнинг қуйидаги умумий белгилари мавжудлигини қайд этади: «ҳар иккиси ҳам ижтимоий ривожлантириш институти; ҳар бири ҳудудий ташкилотга эга; халқ ифодасидаги ҳокимият манбаига эга; улар оммавий ҳокимиятни амалга оширади, бири – бутун ҳудудда амалга ошириладиган давлат ҳокимияти, иккинчиси фақат ўзини ўзи бошқариш органлари

⁸ Жалилов Ш. Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи. – Т., Ворис нашриёти, – 2007. – 160 б.; Исмаилова Г.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. – Т., Академија, 2013. – 333 б.; Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар): Юрид. фан. номз.... дис. – Т., 2004. – 183 б.; Маликова Г.Р. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари. юрид.фан.докт....дисс. – Т., 2009. – 247 б.; Олламов Я. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият тизими (назарий-ҳуқуқий муаммолар): Юрид. фан. номз....дис. – Т., ТДЮИ, 2001. – 151 б.; Рўзиёв З. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил) юрид.фан.докт....автореф. – Т., 2016. – 96 б.; Сувонқулов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари: юрид.фан.номз.дисс. – Т., 2002. – 169 б. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. – Т., – 2002. – 194 б.; Хамедов И.А. Организационно-правовые проблемы совершенствования системы государственного управления в Республике Узбекистан. дис.док. юрид. наук. – Т., – 2004. – 318 с; Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. –Т., Адолат, – 2013. – 544 б; Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолари: юрид. фан. докт....дисс. –Т., 1995. – 278 б.; Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамияти асоси. – Т., Адолат, 2003. – 194 б.; Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи (1991-2001): автореф...тарих...фан ...номз..дис. –Т., ЎзМУ, 2002. – 26 б.

⁹ Маликова Г.Р. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтини такомиллаштириш муаммолари. –Т., 2009. – Б. 36-39.

¹⁰ Исмаилова Г.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. – Т.: Академија, 2013. – Б. 33.

¹¹ Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомил-лаштириш: юрид. фан.номз....дисс. автореф. – Т.:ЎЗР ИИБ Академияси, 2008. – Б. 27.

худудида амал қиладиган ижтимоий ҳокимият; улар солиқ йиғишга (тутун пули ёки ўзаро тушум – маҳаллаларда) оид вазифани бажаради; жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш функциясини амалга оширади, бири – (давлат ҳокимияти) ички ишлар ва ҳарбийлашган тузилма орқали, иккинчиси (ўзини ўзи бошқариш органлари) – жамоат тартибини сақловчи маҳалла посбонлари кўринишида фаолият юритади; ҳуқуқий жиҳатдан тартибни сақлаш ва бошқарувга доир ишларни амалга оширади. Шу билан бирга, Г.С. Исмоилова томонидан маҳалланинг давлат ҳуқуқий мақоми ва фуқаролик жамиятига хос белгилари алоҳида тавсифланади ҳамда «фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини давлатга нисбатан қарама-қарши қўйиш умуман нотўғри» деган хулосага келинади¹².

Қайд этиш лозимки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мутахассислар фикрига кўра ҳозирги кунда жами 22 та асосий ваколат юклатилган. Ушбу ваколатларни 10 тасини мустақил, 10 тасини тегишли ташкилотларга кўмаклашиш ва 2 тасини тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширмақдалар¹³. Ушбу юклатилган ваколатлар ичида энг муҳим ваколатлардан бири сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини қайд этишимиз мумкин.

Шунингдек, олиб борилган ўрганишларимиз натижасида ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлари профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада самарали ташкил этиш ва ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари худудида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий натижаларга эришиши учун яна қуйидаги ишларни амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича маслаҳатчи лавозимларини жорий этиш (мазкур лавозимларга имконият даражасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан нафақага чиққан (ёшга доир, ижобий хулоса билан албатта) фуқароларни тайинлаш ҳамда уларнинг худудда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширган ишларига қараб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ва худуд профилактика инспекторининг тақдимномасига биноан маҳаллий ҳокимият органларининг ёки ички ишлар органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш ҳамда эришилган ижобий натижаларини туман, вилоят ва республика миқёсида оммалаштириш ҳамда иш тажрибалари республика бўйича оммалаштирилган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича маслаҳатчиларни рағбатлантиришни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁴ги

¹² *Исмоилова Г.С.* Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. – Т.: Akademiya, – 2013. – Б. 45.

¹³ *Рўзиев З.Р.* Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил) юрид.фан.докт.дисс...автореф. – Т.: 2016. – Б. 96.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-

Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁵ги Қарори асосида «Энг яхши профилактика инспектори», «Энг яхши терговчи», «Энг яхши тезкор ходим», «Энг яхши худудий ички ишлар органи бошлиғи» каби номинациялар бўйича ўтказиладиган кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирлаш маросимида тақдирлаш амалиётини йўлга қўйиш);

2. Республикадаги криминоген вазият бўйича йиллик ҳисобот йиғилишлари амалга оширилганидан сўнг тегишли туман ёки вилоят миқёсида вилоят ички ишлар органининг раҳбарияти ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари шахсий таркиби ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ҳисобот йилидаги ҳуқуқбузарликларнинг таҳлили ва жорий йилда уларни олдини олиш бўйича махсус ўқув йиғинларини ташкил этиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»¹⁶ги ПҚ-2050-сон Қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Тегишли ўқув йиғинларини мазкур ўқув курслари базасида ташкил этиш);

3. Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бугунги кунда республикамизнинг деярли барча худудларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий тармоқларда ўзларининг саҳифалари мавжуд. Мазкур саҳифаларда тегишли вилоят ёки туман миқёсидаги ҳуқуқбузарликларнинг ҳолатига оид ахборотларни доимий равишда аҳолига етказиб бориш ва бу орқали уларнинг хушёрлигини ошириш (масалан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани матбуот хизматининг ижтимоий тармоқлардаги «Telegram» саҳифасида 1-ноябрь 2025 йил соат 18:00 ҳолатига кўра 8794 нафар аъзоси бор. Жумладан мазкур «Telegram» саҳифасидаги ҳар бир аъзонинг ортида унинг оила аъзолари мавжуд).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлари профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари шаклланган. Лекин уларни амалга татбиқ этишда баъзи камчиликларга йўл қўйилмоқда. Назаримизда, бу ўринда асосий эътиборни амалдаги қонунлар ижросини таъминлашга, бошқача айтганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган вазифаларни белгиланган тартибда самарали бажаришга асосий эътиборни қаратиш ва хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда уларнинг миллий минталитетимизга мос келувчи

тадбирлари тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. – № 41. 546-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2013. – № 10. 278-модда.

жиҳатларини миллий тизимимизга имплементация қилиш ва ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш ва такомиллаштиришга оид ислоҳотларни мунтазам амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

